

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 27-iyul. Shanba • 89 (31.679)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Санжар ШОТУЛАНОВ олган суратлар.

Шу азиз ватанни асраш

ва тараққий эттириш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир

Инсон ҳар доим бахтга интилади. Фақат озод ва обод юрдагина бу орзуга эришиш, тинчлик, осойишталик бўлган жойдагина эзгу мақсадлар рўйбга чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деб номланган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатла-

ри Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Тошкент шаҳар ҳамда вилоят партия кенгаши фаоллари, ёзувчилар, олимлар, татқиқотчилар ва ёшлар мавзунинг турли жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

(Давоми 2-бетда.)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Депутатлар қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар

26 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган нуктаи назарлардан келиб чиққан ҳолда «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ҳар тарафлама муҳокама қилиниши депутатлар корпусининг алоҳида диққат-эътиборини тортди. Тузатишлар «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида киритилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси кўп тармоқли

фермер хўжаликларини ривожлантириш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилди.

ЎзЛиДеП депутатлари Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш Қонунчилигининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини пухта таҳлил қилиб, унинг натижаларини масъул кўмитага тақдим этди.

(Давоми 2-бетда.)

Миллий матбуот марказида

Эришилган тарихий ютуқлар

аҳамиятини очиб бериш катта масъулият юклайди

Юртимизда мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Жойларда «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда мустақиллик ҳар бир юрдошимиз учун бебаҳо неъмат эканини юракдан ҳис этмоқдамиз. Ана шундай лаҳзаларда озодлик, бугунги саодатли кунлар ўз-ўзидан келмагани, мустақилликка ти-

нимсиз курашлар орқали эришилганини кўнгилдан ҳис этасан киши. Мустақиллик қандай бебаҳо неъмат экани, мамлакатимиз ва халқимиз тақдирида тутган тарихий ўрнини тарғибот қилишда ОАВ зиммасига катта масъулият юкланган.

(Давоми 2-бетда.)

Эртанги кун бизники, марра бизники!

77 мамлакатдан келган

302 нафар ўқувчи орасида Ўзбекистон фарзанди голиб деб топилди

Олтин медаль соҳиби сифатида исминини ўқишганида бир лаҳза ишоналмай қотиб қолдим. Катта таблода ЎЗБЕКИСТОН ёзуви пайдо бўлгач, саҳнага чиқиб, олтин медални олдим.

4



Муносабат

Юртим, тўлди омборларинг ўз донинг билан

Мамлакатимиз Президентининг ғаллакорларга табриги катта хирмонга 229 минг тонналик ҳисса қўшган Наманган аҳлини ҳам руҳлантириб, қувонтириб юборди. Сардоба ва Чорсудаги нон бозорларида эса новвойлар байрам бошлашибди. Ғалла режаси ортиги билан бажарилганини тўқинлик ва фаровонлик омили, деб билган новвойлар нон нарҳини 150 сўмгача арзонлатишибди.

«Сардоба» бозоридамиз. Савдо авжига чиққан нон расталари оралаб, дондор Жўраҳон новвой ва чекич тамғаси «Марғилон-59» бўлган новвойларни сўроқлади.

— Жўраҳон новвойнинг набиралари бўлман, — деди ўзини Носирхон Худоев деб таништирган новвой йигит. — Новвойлар сулоласидан эканимдан ҳамisha фахрланаман. Мен новвойлар сулоласининг еттинчи авлодиман.

Бугун тандирдан нонни узиб бериб, савдо растасига яқинлашмайдиган катталаримиз ҳам бозорга келишади. Чунки ғалла режаси бажарилган кунларда биз новвойлар байрам қиламиз. Ахир, рўзгоримиз баракаси, тириклик ва тирикчилигимиз зийнати нон билан, дон билан боғлиқ-да.

Ғаллачиликдаги муваффақиятни ҳар қанча байрам қилсак ярашади, — дейди уста новвой Умархон Худоев. — Кечаги замонда отамиз ёпиб берган нонни бозорда хотиржам сотувга қўёлмасдик. Новвойларни ҳақоратлаб бозордан қувшарди. Саватдаги нонимиз улоқтирилган кунларни эсласам мустақиллик қадрини юракдан ҳис этаман. Отамиз Нурдинхон Худоев айтиб бергандилар: Сардоба бозори рўпарасидаги тикувчилик фабрикасида то Ностегирмон даҳасигача бўлган масофада майса ўтларни еб, дарахларнинг пўстлогини шимиб, захарланиб, қорни шишиб вафот этганлар бўлган. Новвойлар байрами, нон байрами, дон байрами деб нишонланаётган бугунги байрам аслида шукроналик байрами.

Обинов усталари — Наманганнинг довуғли новвойлари Маъруфбой ва Камолхон Асқаралиевлар билан ўз хонадонларида учрашдик. Тандирдан ҳозиргина узилган гижда патирларни саватларга солаётган Қобилхон, Азимбойларни байрам билан қутладик. Бу сулолада новвойлик Хайриниса она Солиевадан бошланган экан. Дастлаб, Хайриниса она устозлари Маъсудахон патирчидан нон

ёпиш, хамир қориш ва уни расм чизгандек ранги ва нақши билан тандирдан чиқариш санъатини ўрганган эканлар.

— Бир кунда 400 донагача гижда нон, патир, гулли патир, гўшти нон ёпиб бозорга чиқарилади. Кеч соат 23да хамир қорисак, саҳарда уни тандирга ёпамиз, — дейди у. Бу ишга жуда тозалик, покизалик билан, қўтлуг ният билан киришилиши керак. Новвойликнинг бошқа хунарлардан улуглиги ҳам шунда.

Бир пайтлар ширмой нон ва ширмой патир устаси сифатида донг таратган Хайриниса онадан кейинги пайтда нима учун ширмон ёпмай қўйгани сабабини сўрадик.

— Биз ёпадиган оби нонларнинг тайёрлаш меҳнати огирроқ. Ширмонники яна ҳам мураккаб. Шаҳримизда Маҳмуджон новвой деган яна бир сулола бор. Ширмонни кейинги пайтда ўшалар ёпишмоқда. Арпабодидан, нохот суви, зира суви аралашмаларидан тайёрланадиган ширмон хамиртурушининг хосияти улуг, ўзига хос юки бор. Бу юки кўтариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди...

Мамлакатимиздаги тинчлик, фаровонлик, ободончилик, қўйинги, барча юксалишларга юртимиздаги ғалла мустақиллигининг қудратли таъсири бор.

Новвойларнинг байрам сўзини тинглаб, нон байрами, дон байрамидаги суҳбатлардан завқланиб, улуг шоиримиз Абдулла Ориповнинг сатрлари ёдга келди:

Нон ва Ўзбекистон уйқашир азал,
Бу юртга не элар нон деб келганлар.
Сарғашта қушлар ҳам доим, ғалла-ғал,
Бу юртдан ризқини териб еганлар.

Юртим буюклигинг билди кенг жаҳон,
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.
Сўйлайсан оламни ёпиб дастурхон,
Меҳнатдан яраган шу нонинг билан...

Носирхон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Мустақиллик қишлоқлари

ёки «Президент уйлари» деб номланган намунавий уй-жойлар қурилиши ва бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар хусусида

Халқимизда уй-жой ватанга менгзалади: «Уй қурдим», «Уй сотиб олдим» десангиз «ватанли бўлибсиз» деб олқишлашади. «Ўз уйингни ўзинг асра» қорловини ватанингни ҳимоя қил тарзда тушунилади. Болачақаси ва оиласи учун жонқуяр киши «уйим-жойим дейдиган» сўзлари билан ҳурматланади. Уй биз учун бор-йўғи бошпана ёки қароргоҳ эмас, у муқаддас илдиз, ҳаётга, аждодлар заминига, эътиқодига, турмуш тарзига, дунёқарошига мустаҳкам боғлаб турувчи мўътабар ришта.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб халққа уй-жой солиш учун томорқа берила бошланиши халқимиз ўз уйига ўзи эга бўлаётганлигининг дастлабки муваффақияти эди. Юртошимиз томонидан 1989 йил 17 августда «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқин тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинди. 1990 йилнинг ўзидаёқ шахсий томорқа хўжаликлари учун 205 минг гектар ер ажратилди. Бу юртимиз ҳаётида янги даврнинг бошланаётганини нишонаси бўлди. Ажратилган ерларда минг-минглаб янги уйлар қурилди. Янги қўчалар, маҳаллалар, гузарлар пайдо бўлди. Бу ростдан ҳам янги давр, янги турмуш белгилари эди.

⇒ 3



